

# Намоз кўз қувончимга айлантирилди | Сийрат дарслари (255-дарс)



19:00 / 10.11.2023 3594

308. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдим. Бир одам келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга (зино жазосига) лойиқ иш қилдим. Уни менга жорий қилинг», деди.**

У зот ундан бунинг нима эканини сўрамадилар. Намоз вақти бўлди. Ҳалиги одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни ўқиб бўлганларидан сўнг, у ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга лойиқ иш қилдим, менга Аллоҳнинг ҳукмини жорий этинг», деди. «Биз билан намоз ўқидингми?» дедилар. «Ҳа», деди. «Батаҳқиқ, Аллоҳ сенинг гуноҳингни мағфират қилди ёки ҳаддингни», дедилар.

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

309. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларини эшитдим: «Роббингни тоғ чўққисидаги қўйчивон ажаблантиради. Азон айтиб намоз ўқийди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: «Бу бандамга назар солинлар. Азон айтади ва намоз ўқийди. Мендан кўрқади. Батаҳқиқ, бандамни мағфират қилдим ва жаннатга**

**киритдим», дейди».**

*Абу Довуд, Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.*

310. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Менга аёллар ва хушбўйлик маҳбуб қилинди ва намоз кўз қувончимга айлантирилди».**

*Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган.*

311. Робиъа ибн Каъб Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга тунаган эдим. У зотга таҳорат сувлари ва бошқа ҳожатлари тушадиган нарсаларини келтирдим. У зот: «Сўра», дедилар. «Жаннатда сизга рафиқ бўлишни сўрайман», дедим. «Бундан бошқани эмасми?» дедилар. «Шунинг ўзини», дедим. «Ундай бўлса, ўзинг учун кўп сажда билан менга ёрдамлаш», дедилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

312. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Беш вақт намоз, жумадан жумагача ва Рамазондан Рамазонгача (бўлган ушбу ибодатлар) ўз ораларидаги (гуноҳ)ларга каффоротдир, модомики кабира гуноҳлардан тийилинган бўлса», дедилар.**

*Муслим ривоят қилган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.